Жума куни имом хутба қилаётган пайтда ёнингдаги кишига "жим ўтир" десанг ҳам беҳуда сўз сўзлаган бўласан!», дедилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жума куни имом хутба қилаётган пайтда ёнингдаги кишига "жим ўтир" десанг ҳам беҳуда сўз сўзлаган бўласан!», дедилар.
[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда жума хутбасига келганда амал қилиш лозим бўлган одоблардан бири хотиб нима деганини тафаккур қилиш учун сукут сақлаб қулоқ солиш вожиб эканини баёнладилар. Ҳатто ким «жим» ёки «эшит» деган энг оз сўзни айтса ҳам жуманинг фазилатидан қуруқ қолади.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/3107